



ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 253 (1579), 2025 йил 6 декабрь, шанба



www.yuz.uz



ЙИРИК ЭНЕРГЕТИКА ҚУВВАТЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАБ, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРИМИЗ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИНИ ОЧАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 декабрь куни янги энергетика қувватлари ва инфратузилма объектларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларининг қурилишини бошлашга бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.



Тадбирда Бирлашган Араб Амириклари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Маъруий, Туркия Республикаси энергетика ва табиий ресурслар вазири Алпарслон Байроқдор ва Озарбайжон Республикаси энергетика вазири Парвиз Шаҳбозов, Қирғиз Республикаси энергетика вазири Таалайбек

Ибраев, шунингдек, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осие тараққиёт банки, Осие инфратузилмавий инвестициялар банки, Ислон тараққиёт банки ва бошқа молия институтлари, "ACWA Power" (Саудия Арабистони), "Aksa Enerji", "Cengiz Enerji" (Туркия), "Masdar" (БАА), "China Energy",

"Datang", "Sinoma", "Poly", "CNTIC", "Eaglerise" (Хитой), "EDF", "Votalia", "TotalEnergies" (Франция), "Siemens Energy" (Германия) ва "Nebars Power" (Қатар) вакиллари ҳам қатнашди. Янги объектлар — қарийб 11 миллиард долларлик 42 та энергия ишлаб чиқариш,

сақлаш қувватлари ва бошқа инфратузилма иншоотлари — мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий энергетика тармоғи салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли стратегиянинг бир қисминдир. Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида умумий қиймати

3,3 миллиард долларга тенг жами 3 минг 500 мегаваттлик 16 та қуёш, шамол, иссиқлик ва гидроэлектр станциялари шулар жумласидан. Тўлиқ қувватта чиққач, улар йилига 15 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради.

Натижада келгуси йилда "яшил" энергия ишлаб чиқариш ҳажми 23 миллиард киловатт-соатга етади. Ушбу қувватлар Ўзбекистон аҳолисининг йиллик электр энергия истеъмоли тўлиқ қопланишига хизмат қилади.

➤ **Давоми 2-бетда**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ "БАРҚАРОР ЭНЕРГЕТИКА — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧЛИ ҚАДАМИ" МАВЗУСИДАГИ АНЖУМАНДАГИ НУТҚИ

Хурматли дўстлар! Хонимлар ва жаноблар! Бугун сизлар билан йирик генерация қувватларини ишга тушириш ва янгилашга шарт бериш маросимида учрашиб турганимиздан беҳад мамнунман. Ишонманки, "Барқарор энергетика — Янги Ўзбекистоннинг келажак сари ишончли қадами" деб номланган анжуманимиз нафақат энергетика тармоғи ривожини, балки мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти йўлидаги яна бир улкан амалий қадам бўлади. Бугун жадал суръатларда Ўсиб бораётган иқтисодий ва аҳолининг талаб ҳамда эҳтиёжидан келиб чиқиб, энергетика тизимида катта ислохотларни амалга оширишимиз. Биз бу йўналишда иккинчи муҳим қадамга эришишни асосий вазифа қилиб белгиланганмиз.

Биринчиси, барча тармоқ ва ҳудудлар учун ишончли ва узуқсиз энергия таъминоти йўлга қўйиши. Иккинчиси эса ана шу режимида замонавий, экологик тоза ва қайта тикланувчи муқобил манбалар ҳисобидан амалга оширишидир. Таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда энергетика тизимига 35 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинди ва 9 минг мегаватт янги қувватлар ишга туширилди. Натижада электр ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдаги 60 миллиард киловатт-соатдан жорий йилда 85 миллиард киловатт-соатга етди. Эътиборли жиҳати, салкам 5 минг мегаваттлик қуёш ва шамол, 400 мегаваттлик гидроэлектр станциялари ишга туширилди. Жами генерация қувватларида "яшил" энергиянинг улуши бу йил 30 фоизга етказилди.

Бундан ташқари, хусусий сектор, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларида 2 минг мегаваттлик кичик қуёш панеллари ўрнатилди. Уларда шу йилнинг ўзига қўшимча равишда 2 миллиард киловатт-соатга яқин муқобил энергия ишлаб чиқарилиди. Шунингдек, ҳудудларда 69 минг километр электр тармоқлари, 14 мингта трансформатор ва юқори кучлинишли подстанциялар янгиланди. Соҳадаги бундай ўзгаришлар маҳаллий корхоналар ривожига ҳам катта туртки бермоқда. Ушбу корхоналар томонидан янги қурилаётган электр станциялари ва тармоқлари йил бошидан буюн 700 миллион долларлик қурилиш материаллари, металл конструкциялар, кабель ўтказгичлар, электр қурилмалари етказиб берилди, лойиҳалаш-инжиниринг ва қурилиш хизматлари кўрсатилди.

Биргина мисол. Норин каскад гидроэлектр станциясининг 38 мегаваттлик илк гидроэлектр станцияси тўлиқ маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда ишга туширилди. Соҳа ривожига хизмат қиладиган қурилиш, электротехника ва сервис корхоналаримиз келгусида халқаро стандартларга жавоб берадиган йирик миллий компанияларга айланишига албатта ишонаман. Шу маънода, бугун ишга туширилаётган ва йилга 15 мингта трансформатор ишлаб чиқарадиган "Angren Energo" ҳамда 155 та гидроагрегат тайёрлаб берадиган "UzHydroPower" корхоналари катта истиқболга эга, десак, тўғри бўлади.

➤ **Давоми 2-бетда**

МУҲАММАД АБУНАЙЯН: "БУТУН ДУНЁ ИНВЕСТИОРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ СИЗДАН ЎРГАНИШИ КЕРАК"

Куни кеча Тошкентда энергетика соҳасидаги объектлар ва йирик лойиҳаларни ишга туширишга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайн Ўзбекистоннинг инвестицияларни жалб қилиш ва энергетика соҳасидаги фаолиятини юксак баҳолади.

Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари, сиз инвесторларга миннатдорлик билдирманг. Аксинча, уларнинг барчаси сизга раҳмат айтиши керак. Чунки сиз Ўзбекистонда инвесторларнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун ўзига хос муҳит яратдингиз. Биз сармоя киритётган барча лойиҳалар доимо кўмагиниз билан амалга оширилди. Бунинг учун барча инвесторлар сизга миннатдорлик билдиради.

Бугунги кунда энергетика соҳасида амалга оширилаётган ва бугун ишга туширилган лойиҳалар ҳам сиз ва ҳукуматингиз томонидан энергетика соҳасидаги ислохотларга катта эътибор қаратилаётганининг бевосита исботидир.

Хар бир инвестор қўллаб-қувватлашининг доимо ҳис қилади. Президент Жаноби Олийлари, бутун дунё сиздан инвесторлар билан ишлашни ва инвестицияларни жалб қилишни ўрганиши керак. Бу нафақат энергетика соҳасидаги лойиҳалар, балки барча тармоқлар, мамлакатлар иқтисодий-иқтисодий босқичларига тааллуқлидир.

Сиз амалга ошираётган ишлар, уларнинг натижалари билан муқаддас Ўзбекистон заминиде яшаётган бутун халқ фахрлангани керак. Чунки ҳамма раҳбарлар ҳам, ҳамма давлатлар ҳам бундай натижаларни таъминлашга, бундай чуқур ислохотларни амалга оширишга қодир эмас. Сизнинг ҳаракатларингиз ўсиб келаётган ёш авлодга ўрнак бўлади. Ўзбекистон ешларни, йигит-қизлари етакчи таълим масканларида таҳсил олаётгани, халқаро фан олимпиадаларида юксак натижаларга эришяётганини кўриб туришимиз. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистоннинг нақадар тўғри йўлда кетаётганини кўрсатади. Албатта, улар қўллаб-қувватлашингиз туфайли шундай муваффақиятга эришмоқда. Бу ёшлар, албатта, ўзбек халқининг фахрига

айланади. Бу эса илм-фан, таълим соҳаси ривожига нақадар катта эътибор қаратаётганингизни яққол кўрсатади.

Янги Ўзбекистонда сизнинг раҳбарлигингизда том маънода инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Саккиз йил давомида мамлакатингиз олдинга катта қадам ташлади.

Энергетика соҳасида билдирган барча фикрларингизга қўшилган ҳолда, энергия давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичи эканини таъкидламоқчиман. Янги Ўзбекистоннинг асосий энергия манбаи эса бу сиз, хурматли Президент. Сиз илҳом манбаи бўлиб, бутун халққа ўрнак бўляпсиз. Сиз ўз кучингиз, билимингиз ва ғайратингизни аямасиз. Нафақат ўз халқингизни, балки бошқа мамлакатлардаги ҳамкасбларингизни ҳам шундай глобал ислохотларни бошлашга илҳомлантиряпсиз.

Мен доимо эътибор қаратадиган иккинчи жидат бор. Ҳозир шунга эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана шу саккиз йил ичида сиз қилган ишлар, эришилган натижалар тарих саҳифаларига муҳрланди. Улар Ўзбекистон солномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди.

Албатта, биз Ўзбекистон билан ҳамкорликда ишлашни давом эттиришга ҳаминша тайёриямиз ва бу биз учун катта шарафдир. Саудия Арабистонининг етакчи компаниялари ва инвесторлари мамлакатингизга келиб, лойиҳаларингизда иштирок этишга тайёр. Чунки бу ерда инвесторлар фаолияти учун барча қўлайликлар яратилган.

Жуда кўп хорижий мамлакатларда бўламан ва ҳар доим, ҳар қандай минбардан Ўзбекистонни мисол қиламан: Ўзбекистоннинг борингиз у мамлакатда яратилган сармоявий муҳит билан, албатта танишиш дейман.

Ўзбекистоннинг ёрқин келажак тилайман. Доимо дуо қиламиз: токи сиз ва Ўзбекистондан таралаётган энергия дунёнинг барча мамлакатларига таралиб турсин.

➤ **Давоми 2-бетда**

ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 декабрь куни янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросим доирасида Бирлашган Араб Амириклари энергетика ва инфратузилмалар вазири Суҳайл ал-Маъруий, Туркия Республикаси энергетика ва табиий ресурслар вазири Алпарслон Байроқдор бошчилигидаги делегация, Озарбайжон Республикаси энергетика вазири Парвиз Шаҳбозов, Қирғиз Республикаси энергетика вазири Таалайбек Ибраев, Хитой Халқаро коммуникация маркази раиси Лун Юйсянь, Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, "ACWA Power" компанияси раҳбари Муҳаммад Абунайн бошчилигидаги Саудия Арабистони компаниялари делегациясини қабул қилди.

Бирлашган Араб Амириклари энергетика ва инфратузилмалар вазири Суҳайл ал-Маъруий бошчилигидаги делегация билан учрашувда БААнинг "Masdar" компанияси раҳбари Муҳаммад Жамил ал-Рамаҳий, "Etihad Water & Electricity" компанияси раҳбари Юсуф ал-Али ва "TAQA Water Solutions" компанияси раҳбари Аҳмад ал-Шамсий ҳам иштирок этди.

Учрашув аввалида вазир мамлакатимиз етакчисига БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён, Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад Ол Мактум, вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён ҳамда Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Шайх Халид Ол Наҳаённинг саломини етказди.

Ўзбекистон — БАА дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳамкорлик барча йўналишларда жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар ва авиақатновларнинг сони барқарор ошиб бормоқда. Лойиҳалар портфели 20 миллиард долларга етган. Транспорт-логистика, озиқ-овқат, металлургия, энергетика ҳамда бошқа устувор йўналишлардаги лойиҳаларни тайёрлаш ва илгари суриш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда энергетика соҳасида биргина "Masdar" компанияси билан Ўзбекистон ҳудудларида 1,5 миллиард долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилди.

Бугун Бухоро вилоятида навбатдаги қуёш электр станцияси ва энергия сақлаш тизими ишга туширилди, Қашқадарё вилоятида 600 миллион доллардан зиёд қийматдаги шундай иншоотлар қурилиши бошланди.

БАА компаниялари раҳбарлари Президентимизга шамол электр станцияси ва энергия сақлаш қувватлари, гидроэлектр станцияларини барпо этиш режалари ҳамда тозалаш иншоотлари қурилишининг бориши тўғрисида маълумот берди.

Туркия Республикаси энергетика ва табиий ресурслар вазири Алпарслон Байроқдор бошчилигидаги делегация билан учрашувда Туркиянинг етакчи "Aksa Enerji" компанияси раҳбари Жамил Казанчи ва "Cengiz Enerji" компанияси раҳбари Аҳмет Чингиз ҳам иштирок этди.

➤ **Давоми 2-бетда**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “БАРҚАРОР ЭНЕРГЕТИКА — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧЛИ ҚАДАМИ” МАВЗУСИДАГИ АНЖУМАНДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Қадри муҳимлар! Энергетика соҳасида эришяётган улкан ютуқ ва марраларимизда сизлар каби салоҳиятли инвесторлар ва ишончли шерикларимизнинг беқисс ҳиссаси бор.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимизга катта сармоя киритаётган ва энг илғор технологияларни олиб келаётган Бирлашган Араб Амирликларининг энергетика ва инфратузилмалар вазири Суҳайл ал-Мазруий жанобларига, Туркия Республикаси энергетика ва табиий ресурслар вазири Алпарслон Байроқдор жанобларига, Озарбайжон энергетика вазири Парвиз Шаҳбозов жанобларига, Қирғиз Республикаси энергетика вазири Таалайбек Ибраев жанобларига самимий миннатдорлик билдираман.

Шунингдек, Саудия Арабистонининг “ACWA Power”, Туркиянинг “Akse Enerji”, “Cengiz Enerji”, Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar”, Хитойнинг “China Energy”, “Datang”, “Sinoma”, “Poly”, “CNTC”, “Eagleise”, Франциянинг “EDF”, “Volitalia”, “TotalEnergies”, Германиянинг “Siemens Energy” ва Қатарнинг “Nebras Power” компанияларига, бундан ташқари, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осие тараққиёт банки, Осие инфратузилмавий инвестициялар банки, Ислон тараққиёт банки ва бошқа молия институтлари вакилларига чуқур ташаккуримни изҳор этаман.

Азиз дўстлар! Бугун сизлар билан бирга соҳа ривожига жуда катта ҳисса қўшадиган, қарийб 11 миллиард долларлик 42 та янги қувват ва инфратузилма объектларини ишга тушираман. Яна 21 та янги лойиҳа қўрилишига старт берамиз. Хусусан, худудларимизда жами 3 минг 500 мегаваттлик 16 та қуёш, шамол, иссиқлик ва гидроэлектр станциялари фойдаланишига топширилади.

Улар тўлиқ қувватда ишлаб бошлагач, йилга 15 миллиард киловатт-соат электр генерация бўлади. Натижада келгуси йилда “яшил” энергия ишлаб чиқариш ҳажми 23 миллиард киловатт-соатга етказамиз. Эътибор беринг; бу — Ўзбекистон аҳолисининг йиллик электр энергия истеъмоли тўлиқ қопланади деганидир.

Энг муҳими, тоза энергия ҳисобига табиий газ сарфи салкам 7 миллиард куб метрга камаяди. Атмосферага 11 миллион тонна зарarli моддалар чиқишининг олди олинади. Бугун 1 минг 245 мегаваттлик 10 та энергия сақлаш тизимини ҳам ишга туширяпмиз. Бу энергия энг кўп истеъмол қилинадиган тигиз вақтларда қўшимча 1,5 миллиард киловатт-соат электр энергиясини тармоққа узатиш имконини беради.

Хозир фойдаланишга топшириляётган 11 та йирик подстанция ва 420 километр юқори кучланишли тармоқлар тизимининг барқарор ишлашига хизмат қилади.

Хурматли тadbир иштирокчилари! Албатта, биз эришган натижаларимиз билан тўхтаб қолмаймиз. Келгуси 5 йилда 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ҳисобидан минглаб sanoat ва инфратузилма объектларини ишга тушириб, юқори даромадли иш ўринларини яратамиз.

Аҳолига қулай шарт-шарoит яратиш учун “Янги Ўзбекистон” массивлари ва бошқа худудларда 800 мингдан ортиқ хонадонли, энергия тежамкор кўп қаватли уй-жойлар барпо этилади. IT, сунъий интеллект ва “бююлар интернет” каби янги йўналишлардаги компанияларга жозибадор муҳит яратиш учун замонавий супер компьютер кластери ва дата-марказлар сонини кўпайтирамиз.

Айни пайтда Саудия Арабистонининг “DataVol” компанияси 3 миллиард долларлик инвестиция ҳисобига 500 мегаваттлик дата-марказ қуриш бўйича ишларни бошлаганини айтиб ўтмоқчиман.

Бундай кенг қўламли ишларимиз электр энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёжини камида 1,5 баробарга оширади. Шу боис, яқин келажакда режаларимизга қисқача тўхталиб ўтаман.

Биринчидан, электр энергиясига ошиб бораётган эҳтиёжни қоплаш учун 2030 йилгача қўшимча 17 минг мегаваттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватлари ишга туширилади.

Натижада “яшил” энергиянинг жами генерациядаги улушини 54 фоизга етказамиз. Бугун Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида қиймати 3 миллиард 300 миллион доллар бўлган 3,5 минг мегаваттлик “яшил” қувватларга старт берилаятгани бу йўлдаги катта қадам бўлади.

Янги қувватларни ягона энергия тизимига боғлаш учун юқори кучланишли 6 минг километр тармоқлар тортилади. Хусусан, келгуси йилнинг ўзида 1 минг километр тармоқлар ўтказилиб, подстанцияларда 6 минг мегаватт қўшимча қувватлар яратилади.

Иккинчидан, биз электр энергияси генерацияси йўналишидаги ислохотларимиз натижа-сида соҳага хорижий сармояларни давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан тўғри жалб этишда катта тажриба орттирдик.

Жорий йилдан нафақат электр энергиясини ишлаб чиқариш, балки уни истеъмолчиларга етказиб беришда ҳам хусусий шериклик тамойилларини қўллашни бошладик. Хусусан, Самарқанд худудий электр тармоқларини хусусий бошқарувга бериш бўйича Туркиянинг “Akse Elektrik” компанияси билан келишувга эришдик. Ушбу компания лойиҳа доирасида тармоқни операцияни бошқарувга олиб, инвестиция киритади, тармоқларни модернизация қилади, йўқотишларни босқичма-босқич 2 баробарга камайтиради. Натижада ҳар йили ўртача 20 миллион доллар тежаллади.

Шундай тажриба асосида келгуси йилда Жиззах ва Сирдарё, 2027 йилда Наманган ва Тошкент вилоятлари электр тармоқлари бошқарувини ҳам инвесторларга тақлиф этамиз.

Учинчидан, аҳолининг муқобил энергия манбаларидан фойдаланишини қўллаб-қувватлаш бўйича ишларимизни жадал давом этти-раемиз.

Янги йилда Хитой тажрибаси асосида 300 та маҳалла худудида аҳоли билан кооперация орқали 107 мегаваттлик қуёш станциялари ўрнатилади. Бу ижтимоий лойиҳа кенг жорий этилиб, 30 мингта камбағал оиллага “яшил” энергия кичик ва микро ГЭСлар қурдилади. Натижада 120 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади ва улар қўшимча даромад манбаига эга бўлишди.

Келгуси йилда 65 мегаваттлик кичик ва микро ГЭСлар барпо этилади. Ушбу лойиҳалар ҳисобига 80 мингта хонадонда электр таъминоти тубдан яхшиланади.

Тўртинчидан, яқинда Бразилияда ўтган COP-30 иқлим конференциясида биз ўз

ташаббусимиз билан Париж битими доирасида муҳим мажбуриятни зиммамизга олдик. Яъни 2035 йилгача зарarli газлар эмиссиясини 50 фоизга қисқартиришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Бу борада Жаҳон банки билан дунёда илк инновацион “iCraft” лойиҳасини бошладик. Унинг доирасида Ўзбекистон томонидан камайтирилган 23 миллион тонна иссиқхона газини ҳисобга олинди. Бунда карбон кредити тизимини йўлга қўйиб, халқаро даражада углерод бирликлари савдосини амалга оширишга киришдик.

Таъкидлаш ўринлики, шу йилнинг ўзида 17 та йирик sanoat корхонами “яшил” энергия бўйича халқаро сертификатлар тизимига ўтди. Улар ишлаб чиқаришининг 30 фоизини “тоза” энергияга ўтказгани ҳисобига халқаро бозорларда махсулотларининг жозибадорлиги кескин ошмоқда. Келгуси икки йилда бундай корхоналарнинг сонини 100 тага етказамиз.

Бешинчидан, сўнгги йилларда генерация қувватларини сезиларли равишда кўпайтирган-имиз ҳисобига қўшни давлатлар билан ягона энергетика бозорини яратиш бўйича шерикликни мустаҳкамладик.

Минтақамизнинг гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиб, биргаликда бошқарилмайдиган келгуси йили Қирғизистон ва Қозғистон билан “Қамбар-ота ГЭС-1” лойиҳасини молиялаштиришга киришамиз.

Шу ўринда Европада электр энергиясини экспорт қилиш бўйича “яшил йўлак” лойиҳаси доирасида яқиндан ҳамкорлик қилаётган Озарбайжон ва Қозғистон раҳбариятининг қатъий саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Қадри тadbир иштирокчилари! Буз бугун ишга туширяётган барча лойиҳалар иқтисодий ўсишни таъминлаб, келажак авлодларимиз учун янги имкониятлар эшигини очди. Бундай жадал ҳаракатларимиз ва ташаббусларимиз билан биз янгиликларни замонавий энергетика тизимини албатта тўлиқ барпо этамиз.

Сўзимнинг якунида мазкур лойиҳаларда фаол иштирок этаётган энергетика соҳаси вакилларига, барча ишчилар, муҳандислар ва хорижий ҳамкорларимизга яна бир бор самимий миннатдорлик билдираман.

Барчангизга сизхат-саломатлик, улкан куч-ғайрат ва омадлар тилаб қоламан.

АЗМИДДИН САДРИДДИНОВИЧ САДРИДДИНОВ



Машинасозлик соҳасидаги таниқли олим, Тошкент давлат техника университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ ҳўжалиги механики Азмиддин Садриддиновнинг 89 ёшида вафот этди.

А.Садриддинов 1936 йил 26 июнда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Тошкент энгил sanoat институтини (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)да катта лаборант вазирасида бўлиди. Ушбу ўқув дароғҳининг аспирантурасида тахсил олиб, дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Истеъодли олим Тошкент давлат техника университетида катта ўқитувчи, доцент, Механика, Трактор ва кишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги факультетлари декани, биринчи проректор, профессор, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Кишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг Тошкент вилояти бўлими раҳбари каби лавозимларда

самарали хизмат қилиб, мамлакатимизда юксак малакали кадрлар тайёрлаш, агар соҳани замон талаблари асосида механизациялаштиришга доир илмий ишланма ва қўлланмалар тайёрлаш, уларни амалиётга жорий этиш жараён-ларига муносиб ҳисса қўшди.

Захматкаш олим ва педагог 65 йилдан зиёд вақт мобайнидаги серқирра фаолияти давомида пахта териш машиналарини такомиллаштириш бўйича самарали тадқиқотлар олиб борди, ушбу йўналишда қўлаб мақолалар, рисола ва монографиялар, амалий ишланма ва методик қўлланмалар яратди. Айниқса, агротармоқ ривожини учун долзарб аҳамиятга эга бўлган 40 дан зиёд илмий лойиҳалар, давлат грантлари ва ҳўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилгани, пахта териш машиналарини такомил-лаштириш бўйича лаборатория базасига асос солгани мамлакатимиз кишлоқ ҳўжалигида техник ва технология ис-лохотларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Устоз олим тажрибали педагог сифатида қўлаб шоғирлар тайёрлади, унинг раҳбарлигида ўнлаб номзодлик ва 5 та докторлик илмий иш ҳимоя қилинди.

А.Садриддиновнинг мамлакатимиз кишлоқ ҳўжалиги машинасозлигини ривожлантириш боридаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ ҳўжалик механи-затори” фахрий унвони, “Дўстлик” ва “Меҳнат шўҳрати” орденлари билан тақдирланди.

Таниқли олим ва педагог, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Азмиддин Садриддиновнинг хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ

ЙИРИК ЭНЕРГЕТИКА ҚУВВАТЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАБ, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРИМИЗ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИНИ ОЧАДИ

Бошланиши 1-бетда

Энг муҳими, тоза энергия ҳисобига табиий газ сарфи салкам 7 миллиард куб метрга камаяди. Атмосферага 11 миллион тонна зарarli моддалар чиқишининг олди олинади.

Фойдаланишга топшириляётган лойиҳалар орасида 1 минг 245 мегаваттлик 10 та энергия сақлаш тизимини ҳам ишга туширяпмиз. Бу энергия энг кўп истеъмол қилинадиган тигиз вақтларда қўшимча 1,5 миллиард киловатт-соат электр энергиясини тармоққа узатиш имконини беради.

Кўшимча равишда ишга тушириляётган 11 та йирик подстанция ва 420 километр юқори кучланишли тармоқлар тизимининг барқарор ишлашига хизмат қилади.

Янги ташкил этилган йилга 15 мингта трансформатор ишлаб чиқарадиган “Angren Energo” ҳамда 155 та гидро-агрегат тайёрлаб берадиган “UzHydroPower” корхоналари иқтисодиётимизга муҳим ҳисса қўшади.

Давлатимиз раҳбари маросимдаги нутқида ушбу тарихий воқеа Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши йўлидаги яна бир амалий қадам бўлишига ишонч билдириди.

Бугун жадал сурятларда ўсиб бораётган иқтисодиётимиз ва аҳолининг талаб ҳамда эҳтиёжини қоплаш чқиб, энергетика тизимини катта ислохотларни амалга оширяпмиз. Биз бу йўналишда иккита муҳим мақсадга эришини асосий вазифа қилиб белгиланамиз. Биринчиси — барча тармоқ ва худудлар учун ишончли ва улкусиз энергия таъминотини йўлга қўйиш. Иккинчиси эса ана шу режамини замонавий, экологик тоза ва қайта тикланувчи муқобил манбалар ҳисобидан амалга оширишдир.

Сўнгги йилларда энергетика тизимига 35 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, 9 минг мегаватт янги қувватлар ишга туширилгани таъкидланди.

Натижада электр ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдаги 60 миллиард киловатт-соатдан жорий йилда 85 миллиард киловатт-соатга етди.

Эътиборли жиҳати, салкам 5 минг мегаваттлик қуёш ва шамол, 400 мегаваттлик гидроэлектр станциялари ишга туширилди. Жами генерация қувватларида “яшил” энергиянинг улуши бу йил 30 фоизга етказилди.

Бундан ташқари, хусусий сектор, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларида 2 минг мегаваттлик кичик қуёш панеллари ўрнатилади. Уларда шу йилнинг ўзида қўшимча равишда 2 миллиард киловатт-соатга яқин муқобил энергия ишлаб чиқарилади. Шунингдек, бугун мамлакатимиз бўйлаб 69 минг километр электр тармоқлари, 14 мингта трансформатор ва юқори кучланишли подстанциялар янгиланди.

металл конструкциялар, кабель ўтказгичлар, электр қурилмалари етказиб берилади, лойиҳалаш-инжиниринг ва қурилиш хизматлари кўрсатилади. Мисол учун, Норин каскад гидроэлектр станциясининг 38 мегаваттлик илк гидроэлектр станциясини тўлиқ маҳаллий махсулотлардан фойдаланган ҳўлда қуриш яратилади.

Давлатимиз раҳбари энергетика соҳасида эри-шиляётган улкан ютуқ ва марраларда инвесторлар ва мамлакатимизнинг халқаро шерикларининг беқисс ҳиссаси борлигини қайд этди.

Ўзбекистон етакчиси келгуси 5 йилда 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ҳисобидан минглаб sanoat ва инфратузилма объектларини ишга тушириб, юқори даромадли иш ўринларини яратилишини маълум қилди.

IT, сунъий интеллект ва “бююлар интернет” каби янги йўналишлардаги компанияларга жозибадор муҳит яратиш учун замонавий суперкомпьютер кластери ва дата-марказлар сонини кўпайтириш назарда тутилган.

Бунинг учун айни пайтда Саудия Арабистонининг “DataVol” компанияси 3 миллиард долларлик инвестиция ҳисобига 500 мегаваттлик дата-марказ қуриш бўйича лойиҳани амалга оширишга киришган.

Бундай кенг қўламли ишлар электр энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёжини камида 1,5 баробарга оширади. Шу боис, Президент яқин келажакда режаларга тўхталиб ўтди.

Биринчидан, электр энергиясига ошиб бораётган эҳтиёжни қоплаш учун 2030 йилгача қўшимча 17 минг мегаваттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватлари ишга туширилади. Натижада “яшил” энергиянинг жами генерациядаги улуши 54 фоизга етказилади.

Янги қувватларни ягона энергия тизимига боғлаш учун юқори кучланишли 6 минг километр тармоқлар тортилади. Хусусан, келгуси йилнинг ўзида 1 минг километр тармоқлар ўтказилиб, подстанцияларда 6 минг мегаватт қўшимча қувватлар яратилади.

Иккинчидан, хорижий сармояларни давлат-хусусий шериклик асосида жалб этишни кенгайтириш. Жорий йилдан хусусий шериклик тамойиллари нафақат электр энергиясини ишлаб чиқариш, балки уни истеъмолчиларга етказиб беришда ҳам қўлланмоқда.

Хусусан, Туркиянинг “Akse Elektrik” компанияси билан Самарқанд худудий электр тармоқларини хусусий бошқарувга бериш бўйича келишувга эришилган.

Ушбу компания лойиҳа доирасида тармоқни операцияни бошқарувга олиб, инвестиция киритади, тармоқларни модернизация қилади, йўқотишларни босқичма-босқич 2 баробарга камайтиради. Натижада ҳар йили ўртача 20 миллион доллар тежаллади.

Шундай тажриба асосида келгуси йилда Жиззах ва Сирдарё, 2027 йилда Наманган ва Тошкент вилоятлари электр тармоқлари бошқаруви ҳам инвесторларга тақлиф этилади.

Учинчидан, аҳолининг муқобил энергия манбаларидан фойдаланишини фаол қўллаб-қувватлаш.

Янги йилда 300 та маҳалла худудида аҳоли билан кооперация орқали 107 мегаваттлик қуёш станциялари ўрнатилади. Бу ижтимоий лойиҳа 30 мингта камбағал оилани “яшил” энергия билан таъминлаш имконини беради. Улар ўз эҳтиёжидан ортиқча электр энергиясини тармоққа узатиб, даромад топади.

Мамлакатимиз тadbиркорлари бу йил 40 мегаваттлик кичик ва микро ГЭСлар қурди. Натижада 120 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади ва улар қўшимча даромад манбаига эга бўлишди.

Келгуси йилда яна 65 мегаваттлик кичик ва микро ГЭСлар барпо этилади. Ушбу лойиҳалар ҳисобига 80 мингта хонадонда электр таъминоти тубдан яхшиланади.

Тўртинчидан, яқинда Бразилияда ўтган COP-30 иқлим конференциясида мамлакатимиз ўз ташаббуси билан Париж битими доирасида муҳим мажбуриятни зиммасига олди: Ўзбекистонда 2035 йилгача зарarli газлар эмиссияси 50 фоизга қисқартирилиши мақсад қилинди.

Бу борада Жаҳон банки билан дунёда илк инновацион “iCraft” лойиҳаси ишга туширилди. Унинг доирасида Ўзбекистон томонидан камайтирилган 23 миллион тонна иссиқхона газини ҳисобга олинди. Халқаро даражада углерод бирликлари савдосини йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоиз, шу йилнинг ўзида 17 та йирик sanoat корхонами “яшил” энергия бўйича халқаро сертификатлар тизимига ўтди. Келгуси икки йилда бундай корхоналар сонини 100 тага етказилади.

Бешинчидан, қўшни давлатлар билан ягона энергетика бозорини яратиш бўйича шерикликни мустаҳкамлаш.

Минтақа гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиб, биргаликда бошқариш мақсадида келгуси йили Қирғизистон ва Қозғистон билан “Қамбар-ота ГЭС-1” лойиҳасини молиялаштиришга киришмилади.

Давлатимиз раҳбари Европада электр энергиясини экспорт қилиш бўйича “яшил коридор” лойиҳаси доирасида яқиндан ҳамкорлик қилаётган Озарбайжон ва Қозғистон раҳбариятининг қатъий саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этди.

— Биз бугун ишга туширяётган барча лойиҳалар иқтисодий ўсишни таъминлаб, келажак авлодларимиз учун янги имкониятлар эшигини очди. Бундай жадал ҳаракатларимиз ва ташаббусларимиз билан биз янгиликларни замонавий энергетика тизимини албатта тўлиқ барпо этамиз, — дея таъкидлади Президентимиз.

Тadbир якунида Ўзбекистон Президенти раъминг дастакни босиб, 42 та энергетика объектининг ишга туширилиши ҳамда навбатдаги 21 тасининг қурилиши бошланишига старт берди.

Бошланиши 1-бетда

Энергетика ва геология соҳаларида, шу жумладан, замонавий технологияларни маҳаллийлаштириш, энергетика ускуналарини ишлаб чиқариш, тақсимлаш тармоқларини бошқаришни такомиллаштириш, истиқбол-ли конларни биргаликда ўзлаштириш ва соҳа учун кадрлар тайёрлаш бўйича янги кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Озарбайжон Республикаси энергетика вазири Парвиз Шаҳбозов билан учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг самимий саломини ва илик тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклиги ва иттифоқчилигини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Барча даражалардаги алоқалар фаол экани, товар айирбошлаш барқарор ўсаятгани ва энергетика соҳасида муваффақиятли ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Нефть ва газ соҳаси, геология-қидирув ишлари, “яшил” энергияни ривожлантириш ҳамда кимё sanoatига қўша лойиҳаларини илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Қирғиз Республикаси энергетика вазири Таалайбек Ибраев билан учрашув аввалида олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаровнинг самимий саломини етказди.

Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшиқчилик ва стратегик шериклик муносабатларини, шу жумладан, энергетика соҳасида янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама муносабатлар юқори суръатда ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошдан товар айирбошлаш 17 фоизга ошиб, юк ташин ҳажми ортиб бормоқда. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Энергетика соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Электр энергияси барқарор етказиб берилмоқда ва транзит қилинмоқда, “яшил” энергетикада истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон етакчиси сув энергетикаси соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, минтақавий аҳамиятга молик қўша лойиҳаларни, энг аввало, “Қамбар-ота ГЭС-1”ни қуриш лойиҳасини самарали илгари суриш муҳим эканини таъкидлади.

Хитой Халқаро коммуникация маркази раиси Лун Юйсян билан учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги янги даврдаги хар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш

ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШ

КОНСТИТУЦИЯ — инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!

КОНСТИТУЦИЯ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР:

Янги Ўзбекистоннинг тенглик ва тараққиёт йўли

Янги Ўзбекистон тараққиётнинг бугунги жадал босқичидаги демократик истохотлар инсон манфаатлари, унинг шаъни ва кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тамойилларига таянади. Айниқса, хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳимояси, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, давлат бошқаруви, бизнес, илм-фан ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Хотин-қизлар учун таълим, тадбиркорлик, касб-хунара ўрганиш, соғлиқни сақлаш ва оилавий муҳитда ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.



Зулайҳо МАҲКАМОВА,
Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси

Минтақамизда минг йиллар давомида шаклланиб келган миллий давлатчилик анъаналари, халқимизнинг адолат, инсоф ва ҳурмат каби улуғ қадриятларга таянган ҳаётини фалсафаси бугунги демократик истохотларнинг маънавий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Бу тарихий ва ўзгармас тамойиллар давлат бошқарувида, жамият ҳаётида инсон ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қиммати устувор бўлиши лозимлигини ўқитди. Мана шу юксак тафаккур ҳамда халқимизнинг тарихий юксак ҳуқуқий онги бугунги кун истохотлари руҳини билан муштаракдир.

Буюк мутафаккирларимиз асрлар давомида инсон манфаатини улуғлаш, оила ва жамият барқарорлигини таъминлашни барча ишларнинг марказига қўйиб келган. Бугун эса ана шу тарихий мерос, халқимизга соқ адолатпарварлик ва инсонпарварлик тамойиллари янгилаган Конституциямиз мазмунини ва моҳиятида янада бутун, замонавий ҳуқуқий меzon сифатида ўз ифодасини топмоқда.

Кенг қўламли истохотларнинг бош мақсади жамиятда адолат ва тенглик тамойилларини қарор топтириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали таъминлаш, шунингдек, бош қонунимизда белгиланган конституциявий принципларни ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Жорий йилда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабат билан бир гуруҳ хотин-қизларни тақдирлаш тантанали маросимиди: **“Янгилаган Конституциямиздаги ижтимоий давлат тамойилига мувофиқ, аёлларни ижтимоий ҳимоя**

қилиш ҳам янгича ташкил этилмоқда”, дея таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари.

Чиндан ҳам, халқимиз ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллигининг юксак намунаси сифатида умумхалқ референдуми орқали янгидан қабул қилинган Конституция давлат ва жамият ҳаётида инсон манфаатларига хизмат қилувчи стратегик йўналишлар мажмуасидир. Унда халқнинг бевоқифа иштирокида илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар, демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, оила, фарзандлар, хотин-қизлар, ижтимоий ҳимоя ва инсон қадрини улуғловчи қатор янги нормалар ўз ифодасини топди. Конституцияга киритилган ушбу янгиликлар нафақат ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлади, балки “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида ҳимоя механизмини янги босқичга кўтарди.

Шу билан бирга, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган ишлар янада изчил давом этмоқда. Президентимиз томонидан шу ҳафта, аниқроқ айтганда, 4 декабрь кунини имзолаган “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид кўшичма чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон ҳам бу борадаги амалий қадамларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур ҳужжат хотин-қизларни касб-хунарага ўқитиш, тадбиркорлик фаолиятини бирламчи йўлга қўйиш ва бандлигини таъминлашни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Фармонга мувофиқ, маҳаллалардаги хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолияти янада ривожлантирилиб, улар орқали аёлларга тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, касб-хунарага ўқитиш каби йўналишларда қўлай шароитлар яратилади. Шунингдек, 2026-2027 йилларда “Hamroh” хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш компанияси томонидан 6 миң аёлнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 2 триллион сўм ажратилиши, 2,8 миң аёлнинг тадбиркорликка ўқитилиши ва 2 миң нафарининг амалиётда ҳамроҳлик асосида қўллаб-қувватланиши белгилаб қўйилди.

Дарҳақиқат, инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш янги Ўзбекистон

ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, деган принцип бугунги истохотларнинг бош мезонига айланиб улгурди. Бу инсон қадрининг юксак экани, унинг ҳуқуқ ва манфаатларининг олий даражада муҳофазаси қилиниши, қолаверса, оила институти, хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини юксалтириш, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган эзгу мақсадларни ҳам ўзида мужассам этади. Зотан, оиланинг барқарор ва фаровонлиги жамият раванқи, миллат тараққиёти ва келажак авлоднинг камолотини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Дарҳақиқат, инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш янги Ўзбекистон

олиш ҳуқуқига эга. Айниқса, **“Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатилуш ва иш ҳақини камайтириш тақиқланади”,** деган конституцион норма аёлларнинг меҳнат бозоридagi позициясини мустаҳкамламоқда. Бу ҳуқуқий кафолатнинг амалий ижроси сифатида кейинги йилларда қарийб 872 миң хотин-қиз касб-хунара, тадбиркорлик ва ахборот технологиялари соҳаларида ишга қўйилди, 15 триллион сўмдан ортиқ кредит маблағи асосида 204 миң хотин-қиз ўз бизнесини йўлга қўйди. Бу нафақат иқтисодий мустақиллик, балки хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган конституцион кафолатлар ҳаётга татбиқ этилаётганининг ёрқин далилидир.

Жамиятда аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлаш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол бўлиши демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим мезонларидир. Конституцияда белгилаб қўйилган **“Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидир”,** деган қонда бугун ҳаётда изчил намоён бўлиб, уни амалга ошириш учун институционал механизмлар шакллантирилди.

Жумладан, вазирлик ва идораларда гендер маслаҳатчи кенгашлари 155 тадан 4000 тагача кўпайди, хотин-қизларнинг давлат бошқаруви тизимига кириб бориши, сиёсий фаоллигини ошириш тадбирлари кўрилмоқда. Таълим соҳасида ҳам ижобий натижалар кузатишмоқда: эҳтиёжманд оилали қизлари учун грантлар сони икки баравар оширилди, 3933 хотин-қиз давлат гранти, 845 нафари тўлов-контракт асосида олий таълимга қабул қилинди, 200 миңдан ортиқ хотин-қиз олий таълим масканларига қадам қўйди. Бу кўрсаткичлар тенглик сиёсати нафақат қонуналик, балки ҳаётда амал қилаётганини намоён этмоқда.

Табии соҳасида ҳам ижобий натижалар кузатишмоқда: эҳтиёжманд оилали қизлари учун грантлар сони икки баравар оширилди, 3933 хотин-қиз давлат гранти, 845 нафари тўлов-контракт асосида олий таълимга қабул қилинди, 200 миңдан ортиқ хотин-қиз олий таълим масканларига қадам қўйди. Бу кўрсаткичлар тенглик сиёсати нафақат қонуналик, балки ҳаётда амал қилаётганини намоён этмоқда.

Барқарорлик ва тараққиётнинг энг асосий мезони мустаҳкам оиладир. Мамлакатимизда оилалар фаровонлиги, ёш авлод ҳар томонлама камол топиши, хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ижтимоий сиёсатимиз, ривожланиш стратегиясининг устувор йўналишига айланган.

Масалан, Конституцияда **“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир”,** деб мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам ана шу эзгу мақсадларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берди. Айнан шу конституцион тамойилга таянган ҳолда мамлакат бўйлаб 202 та оила ва хотин-қизлар маскани, Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари ва “Масъулиятни ота-оналик” лойиҳалари амалга оширилмоқда. Улар орқали ёшларнинг ҳаётга тайёрланиши, психологик ва ҳуқуқий кўмак олиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Жорий йилда 100 миңдан зиёд ёш оилавий ҳаётга тайёргарлик курсларига жалб этилди, туғиш ёшидаги 8,3 миллиондан ортиқ аёл тиббий кўриқдан ўтказилди. Бунини Конституцияда белгиланган “Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофазаси қилинади” деган принципнинг амалда акс этаётгани билан боғлаш мумкин.

Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларига кўмаклашиш, ижтимоий ёрдамни адолатли, аниқ манзилли ҳамда шаффоф тарзда ташкил этиш мақсадида “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби мутлақо янги ва ўзига соқ механизм яратилди.

Биргина “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизими орқали 2021-2025 йилларда эҳтиёжманд ҳам таъминланган 4,5 миллион хотин-қизга амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида мактабгача таълим тизими



Ушбу фармон хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, вужудга келаятган ташаббусларини амалий жиҳатдан рағбатлантириш ва ишбилармон аёллар сафини янада кенгайтиришга муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шубҳасиз, Бош қонунимизда белгиланган **“инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ақралмас**

тараққиётининг бош тамойилларидандир. Шу маънода, хотин-қизларнинг меҳнат қилиш, ўз салоҳиятини намоён этиш, оила ва ижтимоий ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун ҳуқуқий асослар яратилди ҳамда амалиётга кенг жорий этилмоқда. Янгилаган Конституциямизда белгиланганидек, ҳар бир шахс хавфсиз, қўлай ва камситилмас меҳнат шароитида ишлаш, адолатли ҳақ



МИЛЛИЙ БИРЛИК ВА ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ РАМЗИ

Янги Конституциямизда “Инсон — жамият — давлат” деган устувор тамойил қарор топди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамиятнинг маънавий асослари, давлат органлари ва ташкилотларининг масъулияти аниқ белгилаб берилди. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, меҳнат, атроф-муҳит муҳофазаси каби соҳалардаги кафолатлар янги босқичга кўтарилди.

Бугун янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида Конституциямизда акс этган демократик қадриятлар, адолат ва инсонпарварлик тамойиллари асосида янги ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Шу сабабли ҳам Бош қонунимизга ҳурмат ва садоқат нафақат ҳуқуқий, балки маънавий бурдир. Конституциямиз бизга тинчлик,

қўйиш талаб этилди. Бу — масаланинг фақат бир жиҳати. Масаланинг иккинчи жиҳати эса, янги тахрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли талаби даражасида тушунтириш ҳамда ундан фойдалана олиш кўникмасини шакллантиришдир.

Масалан, шахсини суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб туриши мумкин эмас. Ушбу қонда одамларни ноқонуний қамоққа олиш ёки асоссиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўймасликка қаратилган. Шу тариқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чуқул билан боғлиқ барча ҳаракатга фақат ҳар қарори асосида йўл қўйилиши мустаҳкамланди. Яъни одил судловни амалга оширишда “Хабес корпус” ва “Миранда қондиас” институти янада кенгайтирилди. Биринчи марта айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи берилди.

Унда ҳар қим ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунида тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли экани белгиланди. Ушбу қонданнинг мазмун-моҳияти шундаки, фуқаролар ўзининг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини, бошқаларнинг ҳуқуқларини бузмаган ҳолда, мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ягона шарт шунки, фуқаролар томонидан ўзини ўзи ҳимоя қилишда қўлла-надиган усуллар ёки чоралар қонун ҳужжат-

ларида тақиқланмаган бўлиши лозим. Шу боис, қонунлардаги ноаниқликлар инсон манфаатига ҳал этилиши шарт ва зарурлиги белгиланди.

Конституцияда давлат органлари томонидан инсонларга нисбатан қўлланганидан ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципи асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги мустаҳкамланди. Қонунчиликда белгиланмаган мажбуриятни ҳеч қим ўз розилигини эсимасига олиши мумкин эмаслиги қайд этилди. Бу норма одамлар ҳаётини янада енгилаштирди.

Шунингдек, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланди. Ушбу норманинг киритилиши жамиятимизда оиланинг мустаҳкамлиги ва обрўсини барқарор таъминлашга замин яратди. Фарзандларни тарбиялаш, уларга таълим бериш, барқарор этиб вояга етказиш ота-онанинг бурчи сифатида белгиланди. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятлари сифатида қайд этилди.



Раҳат ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси,
Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китобида “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилнинг айнаи устувор йўналишлари батафсил ифода этилган. Хусусан, мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя ва соғлом экологик таълим, ижтимоий ҳимоя ва соғлом экологик муҳит яратиш, иқтисодиётини мустаҳкамлаш, ижтимоий, ҳуқуқий, экологик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш истиқболлари кўрсати берилган.

фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада болаларни мактабгача таълим қамраб олиш даражаси 2018 йилда 38 фоизни ташкил этган бўлса, ислохотлар натижасида 78 фоизга етказилди.

Бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истесмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тайинлаш ҳамда туғиш тартиби белгиланди. Бунда ҳодимнинг фарзанди туғилгунга қадар минимал истесмол харажатининг 4 баравари миқдорда нафақа тўланиши қайд этилди. Бу мақсадда Ижтимоий сугурта жамғармасидан 56,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ хусусий секторларда ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тарзида тўлаб берилди.

Кечки сменада хотин-қизлар ишлайдиган ташкилотлар ҳузурида ташкил этиладиган мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг иш ҳақи харажатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида маблағлари ҳисобидан субсидия тўлаб берилмоқда.

Таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни давлат ҳимоясига олиш, ҳимоя ордери бериш механизми яратилди.

Тендерга оид зўравонлиқнинг олдини олиш мақсадида қонунчиликка оилавий (манший) зўравонлик, шилқимлик ҳамда шахсининг шаънини ва кадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутилган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш бўйича алоҳида моддалар киритилди.

Таъйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сулҳарга берилган давлолар юзасидан давлат божи тўлашдан овоз қилинди. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда оилани мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдирномалар киритиш белгиланди.

Бундан ташқари, хотин-қизларни кафилик асосида муддатидан олдин жазадан овоз этиш тизими яратилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, янгилаган Конституцияда белгиланган тамойиллар ва янги нормалар ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами бўлиши билан бирга, янги Ўзбекистон тараққиётининг инсон қадрини улуғлашга қаратилган “йўл харитаси” ҳамдир. Хотин-қизлар учун яратилган ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий кафолатлар уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, ўз салоҳиятини тўла намоён этиши ва барқарор тараққиёт жараёнида фаол иштирок этиши учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бугун хотин-қизлар истохотларининг амалий ижроси, жамият тараққиётининг фаол ижодкорига айланмоқда. Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва имтиёзлар эса хотин-қизлар тафаккуридаги ўзгаришлар, жамиятдаги фаоллиқнинг ортиши ва янги авлоднинг юксак билимли, ташаббускор ва ватанпарвар бўлиб ўлайишига хизмат қилувчи барқарор ҳуқуқий пойдевор бўлмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий мезони инсон қадри, ҳуқуқ кафолати ва жамият фаровонлигини таъминлашдан иборат экан, бу жараёнда хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ушбу улкан мақсадларнинг узвий давоми сифатида истиқболдаги режа ва мақсадларимизнинг асосини ташкил этади. Зотан, юртимизда адолат устуворлиги, инсон қадрини улуғлаш, оила ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги истохотлар халқимиз азалдан қадрлаган “бир ёқадан бош чикариш”, “бирликда куч” каби миллий ғояларни ўзида тасмил этган, тараққиёт сари интилган халқ иродасини ифода қилади.

Ўзбекистон
Республикаси
КОНСТИТУЦИЯСИ

Сўнгги ўн йилликдаги глобал иқлим ўзгариши: сув ҳавзалари ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, айрим ўсимлик ва ҳайвон турларининг йўқолиши, ўрмон ва дарактзорлар майдонининг қисқариши, озон қатламнинг емирилиши каби экологик муаммолар барча давлат ва халқлар учун жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Аслидин НУРИДУЛАЕВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети кафедра бошлиги,
юримдик фанлар доктори, доцент

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ: ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Айни ҳолатдан келиб чиқиб, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ислохотлар ўтказилди. Бу борада халқимиз тафаккурининг юксак намунаси сифатида 2023 йилда қабул қилинган янги тахрирдаги Конституция экологик барқарорлик ва қўлай атроф-муҳитни таъминлашнинг мустақам пойдевори бўлди.

Бош қонунимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг қўлай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш борасидаги муҳим ҳуқуқий механизмлар, инсоннинг экологик ҳуқуқларига оид кафолатлар ҳамда давлат органларининг бу борадаги мажбуриятлари белгилаб берилди.

Биринчидан, мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини кўпайтириш, ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлаш ҳамда атроф-муҳит мусофқолигини сақлаш вазифаси Конституциянинг муқаддимасидаёқ ўзбек халқининг улуғвор мақсадларидан бири сифатида мустаҳкамланган.

Конституциянинг муқаддимасида халқимизнинг кўп асрлик орзу-интилишлари ва мақсадлари акс этган, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг бош қонунимиз муқаддимасидан ўрин олгани эса муҳим мафқуравий ва йўналишлар аҳамиятга эга.

Бу борада мамлакатимиз қисқа муддатда биохимия-хилликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича 4 та, шунингдек, трансгега-равий сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги 2 та конвенция, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси ва Киото протоколи ҳамда Париж битими, Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция ва Монреаль протоколи, Чикундиларни трансгега-равий табиини тартибга солуви Базель конвенцияси, Турғун органик ифлослантувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенцияси каби жами 13 та халқаро конвенция ва битимга қўшилгани бу борада эълон қилинган мақсадларни рўёбга чиқариш учун муҳим қадам бўлди.

Қолаверса, 2025 йилнинг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил” иқтисодиёт” йили деб эълон қилиниши ҳам халқимизнинг экологик интилишларига мосдир. Жорий йилги давлат дастури юртимизда барқарор ривожланишни таъминлаш, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини ошириш, давлат органлари, жамоатчилик ва ҳар бир фуқаронинг экологик муаммоларини ҳал этиш жараёнида фаол иштирок этишига қаратилган кенг кўламли ислохотлар учун туртки бўлди.

Иккинчидан, Конституцияда илк мартаба фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари мустаҳкамланди. Хусусан, 49-моддада унга экологик ҳуқуқ кафолатланди. Булар — қўлай атроф-муҳитга эга бўлиш, атроф-муҳит ҳолати тўғрисида ишончли ахборот олиш, шахарсозлик ҳужжатлари лойиҳалари бўйича жамоатчилик муҳокамаида иштирок этиш ҳуқуқлари. Экологик ҳуқуқларнинг конституциявий даражада мустаҳкамланиши ушбу масаланинг давлат сиёсати даражасига кўтарилишига туртки бўлди.

Президентимизнинг 2024 йил 26 сентябрдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида очикликни таъминлаш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан эса экологик матлумотларнинг очиклигини таъминлаш, чиқиндилар билан ишловда жамоатчилик иштирокини ошириш ва экологик назоратни кучайтириш чоралари кўрилди.

Учинчидан, Конституцияда илк мартаба давлатнинг экологик мажбуриятлари ҳам белгиланди. Хусусан, давлат, аввало, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарари таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадда шахарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида барпо этилаётган “яшил белбоғ” ва боғлар юртимиз миқёсида кенг кўламли ободлик ва яшилликка, одамлар учун муносиб шароит яратиш ва халқимиз саломатлигини асраб-авайлашга хизмат қилмоқда.

Атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган чора-тадбирлар қаторида экологик таълим ва экологик маданиятни ошириш тизимини такомиллаштириш ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ёш авлоднинг экологик билими ва маданиятини ошириш, табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш масъулиятини шакллантиришга қаратилган. Шунингдек, илм-фанни ривожлантириш, соҳага инновацияларни таъминлашнинг жорий этиш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бу борада Президентимизнинг 2025 йил 15 майдаги қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепцияси тасдиқланди.



“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида барпо этилаётган “яшил белбоғ” ва боғлар юртимиз миқёсида кенг кўламли ободлик ва яшилликка, одамлар учун муносиб шароит яратиш ва халқимиз саломатлигини асраб-авайлашга хизмат қилмоқда.

Давлат зиммасидаги яна бир экологик мажбурият — Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани иқтисодий ва иқтисодиёт жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўриш.

Бу борада Президентимиз илгари сурган экологик ташаббуслар доирасида кейинги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектарда ўрмон барпо этилиши ҳам ушбу конституциявий норманинг самарали ижросига хизмат қилмоқда.

Тўртинчидан, янги тахрирдаги Бош қонунимизда атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти фуқароларнинг 6 та бурчидан бири сифатида белгиланди. Бу фуқароларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, экология талабларини риоя этиши лозимлигини аңглатади.

Бешинчидан, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда

бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида экани ҳам мустаҳкамланди.

Ушбу конституциявий норманинг аҳамияти шундаки, у, аввало, табиий ресурсларнинг умуммиллий бойлик сифатидаги мақомини белгилайди. Яъни табиий ресурслар кенг маънода ўзбек халқининг бойлиги, улардан давлат ва жамият тараққиёти йўлида фойдаланилади.

Ўз навбатида, ушбу норма табиий ресурслар давлат муҳофазасида эканини ҳам белгилайди. Бу эса давлат ва ваколатли органлари зиммасига атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш мажбуриятини юклайди.

Масалан, уй-жой қурилиши соҳасида янги қуриладиган, баландлиги 12 метрдан ёки умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ биноларни лойиҳалаштиришда унга туташ ҳудудларнинг камида 25 фозини кўламазорлаштириш, шунингдек, атроф-муҳитга зарари кўп сановат корхоналари учун “яшил белбоғ”лар барпо этиш бўйича янги экологик талаблар жорий этилиши ушбу конституциявий норма ижросига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида Иқлим кенгаши ташкил этилиб, унинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда ушбу йўналишда ягона давлат сиёсатини шакллантириш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаш каби устувор вазифалари белгиланди.

Давлатимизнинг 2024 йил 24 сентябрдаги “Чанг бўронларига қарши курашиш ва атмосфера ҳавоси сифатини яхшилаш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикасида чанг бўронларига қарши курашиш ва уларнинг оқибатларини юмшатиш бўйича 2024-2030 йилларга мўлжалланган миллий дастур тасдиқланди.

Иқлим ўзгаришига боғлиқ хавфларга мослашувчанликни ошириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқиши глобал иқлим ўзгариши салбий оқибатларининг олдини самарали олиш имконини беради. Зеро, унда автомобилсозликда “Евро-4” стандартинан

паст тоифадаги ёнлигини сотиш ва ундан фойдаланишни босқичма-босқич тўлиқ тақиқлаш назарда тутилди. Бунинг учун Бухоро ва Фарғона нефтини қайта ишлаш заводлари юқори сифатли ёнлиги ишлаб чиқариш бўйича модернизация қилиниши белгиланди.

Олтинчидан, Конституцияда илк мартаба давлат ёшлар ҳуқуқлари, жумладан, экологик ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаши белгиланди. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки ёшлар — мамлакатимиз келажиги, уларни экологик маданиятни қилиб тарбиялаш, экологик ҳуқуқларини таъминлаш орқали юртимизнинг келажигини асраб-авайлашга ҳисса қўшамиз.

Еттинчидан, Бош қонунимизда давлат органларининг экологик ваколатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, унда илк мартаба Вазирлар Маҳкамасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлар ва биологик хилма-хилликни сақлаш, иқлим ўзгариши, эпидемиялар, пандемияларга қарши курашиш ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатиш соҳаларида ягона давлат сиёсатини юритиш, ҳокимларнинг ҳудудларни, жумладан, экологик жиҳатдан ривожлантириши таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриш бўйича ваколатлари белгиланди.

Мақzur конституциявий нормалар ҳуқуқат ва маҳаллий ҳокимликларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиши уларнинг энг асосий вазифалари сифатида белгиланди ва шу орқали уларнинг зиммасига экологик қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш бўйича катта масъулият ва жавобгарлик юклайди.

Умуман, янги тахрирдаги Бош қонунимиз давлатнинг экологик сиёсатини такомиллаштириб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни таъминлаш соҳасидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлди. Бошқача айтганда, Конституциямиз Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий, экологик, биологик ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган иқтисодий ва экологик сиёсатни рўёбга чиқариш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишни самарали тартибга солиш, жамоатчилик назорати тизимининг самардорлигини оширишга қаратилган зарур ҳуқуқий асосларни яратиш ва кучайтиришга хизмат қилмоқда.

НОГИРОНЛИГИ БОРЛАРНИ ИШЛИ ҚИЛГАН ТАДБИРКОР 49,5 МИЛЛИОН СУБСИДИЯ ОЛДИ

Муҳаммаджоннинг хаёлини мусика овози бўлди. Бирдан сергак тортиб атрофга қаради. Овоз қай томондан келаётганига диққат қилиб, аңғай олмади. Ҳув нарида икки сайёҳ нотаниш тилда сўхбатлашиб ўтирибди. Бошқабир киши йўқ. Болаларча қизикчи билан қўлини кулоғига қўйиб, яна изланишга тушади.

Шувуллаган овозга ҳуштак чалингани каби оҳанг жўр бўлиб, гоҳ баландлаб, гоҳ пасаяди. Бола қадам ташладан тўхтаб, яна эшитишга интилади. Тарихий Оқсарой. Ичкарига кириш имкони йўқ. Эшикларига қулф солинган. Аммо бу шовқин қай томондан келиб, овоз қаердан келаётганини аңгалагандек бўлади. Анча пайтгача самога тикилиб, ишмот тепасидаги айри жойдан ўтаётган шамот тегилиги тасвирдан шувуллаган овоз чиқаётганини аңғайди. Катталарнинг айтишича, Оқсарой биноси илгари бус-бутун, яхлит ишшоот бўлган. Кейинчалик босқинлар таъсиринда кўп жойига шикаст етган. Уни энди асл ҳолига келтириш имконсиз. Буни балки ўзи эплаб кўрар...

Шу-шу, Муҳаммаджон мактабдан қайтган пайтлари уйда лойдан ўзича нималарнидир ясайдиган бўлди. Кейинчалик турли

кўринишдаги ҳайкалчалар ясаган киришди. Аммо ясаган буюмларидан унчалик ҳам кўнгли тўлмагани учун бировга кўрсатишга ийманарди. Улғайгач, билдик тарихий ишшоотни асл ҳолига сақлаш зарур. Шу боис, ўзи севган юмуш — ҳайкалчалар ясаш билан машғул бўлишни маъқул кўрди. Лекин биргина хоҳишининг ўзи билан бирор натижага эришиб бўлмасди. Шу кунларда айнан Шаҳрисабз шаҳридаги тадбиркордан сотиш учун ўзига хос ҳайкалчалар ясаб бериш таклифи тушди. Бу унинг учун айни мудоао эди. Теъдда келишувга эришиб, Дилрабо Хайруллаева раҳбарлигидаги “Sardorbek-shahri-Kesh” оилавий корхонасига ишга кирди.

— Ешим 25 да. Болалигим Оқсарой майдонида ўтган. Уша пайтлари бу бинонинг қандай барпо этилгани ҳақида кўп ўйлардим. Ўзимча лойиҳасини чизишга интилардим. Уни боболаримиз ниҳоятда моҳирона архитектура асосида қурган. Бугун унинг кичик шаклдаги кўринишини ясайман, — дейди Муҳаммаджон Сатторов. — Иккинчи гуруҳ ногирони бўлганим боис, ўзимга мос

Қарор ва ижро



иш топиш мушкул деб ўйлардим. Лекин ҳозир меҳнатим орқали одамларга нафим тегиши мумкинлигини аңгладим. Айниқса, ўзим яхши кўрган иш — ҳайкалчалар, турли кўринишдаги шакллар ясаш билан шугулланаётганимдан мамнунман. Аслида, бу осон иш эмас. Ясалаётган ҳар бир буюмга нозик дид ва эътибор билан ишлов бериш керак. Боиси, маҳсулотларимиз асосан Шаҳрисабзга келган хорижлик сайёҳларга сотилади.

Улар буни эсдалик сифатида юртига олиб кетади. Шундай экан, мамлакатимиз ҳақидаги тасавуруларни янада бойитиш, ижобий фикр уйғотиш бизнинг ҳам вазифамиз. Ҳозир Дилрабо Хайруллаева раҳбарлигидаги корхонада ишлаяпман. Уч миллион сўмга яқин маош оламан. Асосийси, иш жойига эга бўлганимдан хурсандман.

Дилафруз Абдиева ҳам иккинчи гуруҳ ногирони. Жорий йил июндан бошлаб

“Sardorbek-shahri-Kesh” корхонасига ишга қабул қилинган. Касаначилик асосида, уйда ўтирган ҳолда меҳнат қилиб, ойлик маош олади.

— Анча йилдан бери ишсиз эдим, — дейди хунарманда. — Бирор жойига ишга кирмокчи бўлсам, ҳар сафар ногиронлигим боис, қабул қилинмасдим. Энди бундай муаммом йўқ. Қўлай томони уйда ўтириб, даромад топишимга имкон яратилган. Ҳозир кашта тикиш, тўн қавиш каби ишларни бажаряпман. Маошимизни ҳам вақтида оляпсим. Аввал ишли бўлишни сира хаёлимга келтира олмасдим. Жамиятда ўз ўрним борлигидан фахрландим. Муҳими оиламга нафим тегиб, вақтим самарали ўтати.

Кўпчилик қатори бандлиги таъминланган Дилрабо Хасанова ҳам бугун корхонадаги энг фаол дўппилдўзлар қаторида эътироф этиб келинади. Боиси, миллий услубдаги дўппиларни маҳорат ила тикади. Шу орқали яхшигина маблаг топомқда.

— Аввал ҳам дўппи тикардим. Аммо қандай қилиб сотишни билмасдим, — дейди у. — Бугун бундай муаммо йўқ. Имконият чеклангани сабаб уйда ўтириб, меҳнат қилишни учун етарлича шароит яратилган. Дўппи тикиш кишидан анча сабр талаб этади. Яна бир жиҳати шуки, нозик меҳнат. Бу юмушни яхши кўраман. Машаққатли меҳнат билан тайёр бўлган дўппини одамларнинг бошида кўриб қувонаман. Ўз ишимга муҳаббатим янада ортади.

Анча йилдан бери оилавий хунармандалик билан машғул бўлиб келган Дилрабо Хайруллаева 2021 йили расман давлат рўйхатидан ўтди. Шундан сўнг қатор имтиёزلардан фойдаланиб, фаолиятини янада кенгайтирди. Ҳозир 10 дан ортиқ йўналиш бўйича юзга яқин иш ўрни очди. Жорий йилдан бошлаб жисмоний имконияти чекланганлари ҳам касаначилик орқали ишга жалб этила бошлади. Натижада давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 8 майдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга

оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига кўра, 49,5 миллион сўм субсидия олади.

— Шаҳрисабзда қулоччилик, зардўзлик, каштачилик каби қатор хунарманчилик турлари доим ривожланган. Бу хунарлар бизга момоларимиздан мерос. Бугун қадимий қадриятларни давом эттириб тадбиркорлик қилаяпмиз. Асосий ишимиз қўл меҳнати билан боғлиқ. Шу боис, кўпроқ хотин-қизларнинг уйда ўтириб ишлашига имконият яратганмиз. Бу уларнинг банд бўлишида кўл келмоқда. Даромад олиб, оила бюджетига фойда келтиряпти. Улар рўзгордан ажралмаган ҳолда бемалол ишани давом эттириши мумкин. Мисол учун, битта тўни қавиб, тайёрлаш учун камида бир кун вақт керак. Бунинг учун ишларни келиш шарт эмас. Фақат иш сифати ва чиройли бажарилса бўлди, — дейди Дилрабо Хайруллаева. — Шаҳримизга хориждан меҳмонлар доим келади. Улар саёҳати давомида, албатта, қўл меҳнати билан тайёрланган нимадир харид қилишга қизиқади. Гоҳида баъзи буюмларимиз сотиб олади. Бундан ташқари, сайёҳларга тикув жараёни билан танишиш имкони ҳам яратилган. Кўпчилик ўзи кашта тикиб кўради. Хунаримизга юқори баҳо беради.

Жорий йилда Мираки шаҳрида сайёҳлик объектлари ишга туширилди. Энди у ерда ҳам корхонамиз тармоғини ташкил этиб, янги иш ўринлари очил истагимиз бор. Бундан ташқари, гилм тўқини йўлга қўймоқчимиз.

Айни пайтда оймага ўртача юз миллион сўмга яқин даромад топаётган хунарманда ажратилган субсидия эвазига туристлар учун янги хизмат турини ташкил этиш борасида ишламоқда. Шу билан бирга, бошқа туманларда хунарманчиликка қизиқувчи хотин-қизлар учун ўқув курсларини очиб, касб ўргатиш, ишқилар сонини камайитиришга катта ҳисса қўшиш ниятида.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ИЖРО ИНТИЗОМИ
ИДОРЛАРАРО ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ

Давлат бошқарувида самарадорликни ошириш, бошқарувнинг институционал механизмларини такомиллаштириш, энг муҳими, ижро интизомини мустақамлаш масаласи мамлакатимизда кенг қамровли янгиланишларнинг асосий пойдеворини ташкил этади. Ҳар бир давлат органининг фаолияти, қабул қилинаётган қарорларнинг амалда бажарилиши, жараёнлар шаффофлиги ва масъул шахсларнинг жавобгарлиги давлат сиёсатининг замонавий мезонларига айланган.

Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда

ЁШЛАР СИЁСАТИ СОҲАСИДА ИЖРО ИНТИЗОМИ МАДАНИЯТИ — КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЎЗГАРИШЛАР АСОСИ

Президентимиз таъкидлаганидек, қабул қилинаётган қарор ва топшириқлар қоғозда эмас, амалда натижа бериши керак. Бу тамойил ижро интизомини янада кучайтирди.

Натижалар қоғозда эмас, амалда!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 июлдаги “Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустақамлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижро интизомини янада кучайтиришга қаратилган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири сифатида натижадорликни янги — сифат босқичига олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Ушбу фармон давлат бошқарувида тартиб-интизомни кучайтириш ҳамда ҳаракат эмас, натижа учун масъулиятни устувор мезонга айлантириш каби 2 та муҳим ёндашувни мустақамлади. Зеро, ҳужжатда белгиланганидек, амалдорлар фаолиятида бажарилган ишларнинг сонини эмас, жамиятнинг манфаатига хизмат қиладиган самарадорлик, ўз вақтида бажарилган топшириқ, аниқ натижа устувор аҳамиятга эга.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишнинг янги механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори асосида “Ijro.gov.uz” тизимида Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросининг назоратини ташкил этишнинг янги механизми яратилди.

Бу орқали ижро натижаси бўйича аниқ ҳисобдорликни таъминлаш, шунингдек, барча бўғиндаги раҳбарлар ва ходимларнинг ижро интизомига қатъий риоя этиш бўйича шахсий масъулиятни ва жавобгарлигини янада оширилди.

Ёшлар ишлари агентлиги тизимида қатъий интизом ва шахсий жавобгарлик институтини кучайтирилиб, масъуллар фаолиятига баҳо беришнинг янги мезонлари жорий этилди. Раҳбарлар учун КРИ тизими татбиқ қилиниши, интизом бузилишига нисбатан чора кўриш механизмлари қайта кўриб чиқилгани, ижро самарадорлигини мониторинг қилишнинг ягона тартиби белгилаб берилгани ўтган қисқа муддатда сезиларли натижалар кўрсатди. Бу тизим фақат назорат воситаси эмас, балки раҳбарлар ва масъул ходимлар фаолиятини баҳолаш, рағбатлантиришнинг аниқ мезони сифатида ишламоқда.

2025 йилнинг I-III чорақлари давомида агентлик раҳбарларининг КРИ кўрсаткичлари ҳам мос равишда 97,1-97,2 фоиздан 100 фоизга чиққани масъулият ва интизом масаласи юқори даражада йўлга қўйилаётганини кўрсатмоқда.



Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги
директори

Агентлик масъул ходимларининг шахсий иш режаси ва индивидуал КРИ кўрсаткичлари бевосита рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарлик чоралари билан уйғунлаштирилгани тизимда масъулиятни янада кучайтирди.

Агентликда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати ҳар ҳафта жума кунини — директорнинг биринчи ўринбосари ҳузурда, ҳар ҳафта душанба кунини — директор ҳузурда, ҳар чоракда — ҳайъат мажлисларида муҳокама қилинмоқда. Бунда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жаза чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилди.

Мисол учун, масъулиятсизлиги ва мажбуриятларига совуққонлик билан муносабатда бўлгани туфайли жорий йил давомида 3 нафар ходим лавозимидан овоз этилди, 5 нафар ходимга “ҳайфсан” интизомий чораси қўлланди, 2 нафар ходимга ўртacha ойлик иш ҳақининг 30 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима тайинланди, 13 нафарига қатъий огоҳлантириш берилди. Бу рақамлар интизом масаласи формал талаб эмас, шахсий жавобгарлик асосида амалга оширилаётганини аниқлатади.

Ижро интизомини такомиллаштиришда ходимлар малакасини оширишга қаратилган ўқув дастурлари алоҳида ўрин тутди. Жорий йилда ижро назоратига масъул бўлган 7 нафар ходим Вазирлар Маҳкамасида стажировка ўтди, 4 нафар ходим эса Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигида иқтисодий ўқишларда иштирок этиди. Шунингдек, агентликнинг марказий аппарати ва вертикал тизимда 11 мартаба иқтисодий ўқув ўтказилиб, ҳудудлардаги 160 нафар масъул ходимнинг агентлик марказий аппаратида стажировка ўташи ташкил этилди.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти топшириқлар ижросини соҳавий тарзда мониторинг қилиб, ҳар чоракда ҳайъат ва Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси мажлисларида муҳокама қилиб боришмоқда.

2025 йил январь-ноябрь ойларида агентликда жами 1448 та топшириқ назоратга олинган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида белгиланган 997 та, Президентини Администрацияси раҳбарининг 58 та ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг

“Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишнинг янги механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори асосида “Ijro.gov.uz” тизимида Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросининг назоратини ташкил этишнинг янги механизми яратилди.

қарорларида белгиланган 393 та топшириқнинг ижроси тўлиқ таъминланди. Тизим масъуллари ва қуйи ташкилотлар энди фақат маълумот бериш билан чекланмай, белгиланган мақсадларга қай даражада эришганини исботлаши шарт. Бу амалиёт ижро тизими орқали натижа кўрсатиш маданиятини шакллантирмоқда.

Нazorат бор жойда тартиб бўлади

Бу ёндашув натижасида Ёшлар ишлари агентлигининг барча ёшлар учун тенг имкониятлар яратиш, таълим олиш, касб-хунар эгаллаш, истеъдодни рўёбга чиқариш, бандлик масалаларидаги кенг қўламли фаолияти амалий аҳамият касб этиб бормоқда. Шубҳасиз, буларнинг орасида бандлик, ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш ва давлатнинг эътиборига муҳтож ёшлар билан ишлаш масаласи жуда долзарб.

Ёшлар билан ишлашнинг вертикал тизими яратилгани ҳар бир маҳаллага бириктирилган ёшлар етакчиларидан аниқлик, натижадорлик ва тезкорликни талаб қилмоқда. Ёшлар муаммоларини “юқори бўғинга



ҳар бир мурожаат бўйича натижага эришиши қўлтилоқда.

Ўтган даврда маҳаллалардаги ёшлар етакчилари кўмағида 9,2 миллион ёшнинг бандлиги шакллантирилди. Ишсиз ва бизнес бошлаш истагини 384,4 минг йигит-қизни қўллаб-қувватлаш бўйича “Ёшлар бандлиги дастури”



чиқмай туриб” қуйи тизимнинг ўзида ҳал этиш ижро интизомининг амалий натижасидир. Бу жараёнда ёшлар етакчиларининг уйма-уй юриб, ёшларнинг ҳолатини ўрганиши, мурожаатларни қайд этиши ва уларни масъул идораларга йўналтириши, энг муҳими,

қабул қилиниб, 354 минг нафари (92 фоизи)нинг бандлиги таъминланди. Жумладан, 115 минг ишсиз ёш республика, ҳудудий ва маҳаллий даражадаги идораларнинг 4588 нафар раҳбарига шахсан бириктирилиб, барчасининг бандлиги таъминланди.

Жорий йил ёшлар учун том маънодаги имконият йили бўлди, десак тўғри бўлади. Чунки шу йилнинг ўзида Президентимиз ёшлар билан 2 мартаба учрашув ўтказиб, ёшлар ташаббуслари, тадбиркорлик гояларини қўллаб-қувватлашга 400 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратди.

2025 йил 14 февраль кунини ёшлар билан очик мулоқотда берилган топшириқлар ижроси юзасидан шу куннинг ўзида давлатимиз раҳбарининг “Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлаштиришга

ёшларнинг инглиз, немис, француз, япон, корейс ва хитой каби талаб юқори бўлган чет тилларни ўрганиши учун 2 ойлик харажати ўқувчи томонидан қопланмаган, кейинги 6 ойгача бўлган тўловлар давоматга қараб давлат томонидан молиялаштириладиган “2+6” форматидagi дастур йўлга қўйилди. Мазкур дастур орқали 2030 йилга қадар 100 минг нафар ёшнинг хорижий тиллардан сертификат олишини таъминловчи аниқ мақсад белгиланди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 октябрдаги тегишли қарори билан Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурдаги “Яшил ташаббуслар”ни қўллаб-қувватлаш жағрамаси ташкил этилиб, атроф-муҳитни асраш, экологик маданиятни ошириш, чинқиндиларни қайта ишлаш, яшил технологияларни ривожлантириш ва иқлим бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида тизим яратилди.

Ушбу тизим орқали ёшларнинг таълим, инновация ва экология йўналишларидаги ташаббусларини амалий қўллаб-қувватлаш, салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қўшимча имкониятлар яратилиши белгиланди.

Ёшлар билан ишлаш — масъулларнинг муҳим вазифаси

Президентимизнинг қатъий талаби асосида ёшлар масаласи маҳаллий идоралар учун “қўшимча вазифа” эмас, балки ҳар бир масъулнинг кундулик фаолиятидаги бош йўналиш сифатида белгиланди.

Мазкур ёндашув натижасида ҳар бир ёшга масъул раҳбарлар бириктирилиб, уларнинг ҳаёт тарзидан бошлаб оилавий муҳитгача, таълимдан четда қолишдан тортиб, бандликдаги узилишларгача — кўп қиррали муаммоларга индивидуал ечим топиш амалиёти жорий этилди.

Ушбу амалиёт пировардида, ёшлар томонидан содир этилаётган жиноят даражасининг камайиши, бандлик, таълим ва психологик кўмакнинг бир бутун тизим сифатида ишлашга олиб келди. Таълимдан четда қолган минглаб ёшлар ўқишга қайта жалб қилинди.

Тизимдаги янгиланишлар

Ёшлар билан ишлаш тизимидаги ҳозирги натижалар кейинги босқич учун асос бўлади деб ўйланган. Муҳими, агентлик фаолияти бугун “муружаат келга, ҳаракат қилиш” моделидан чиқиб, “олдини олиш, барқарор ечим яратиш” модели сари илгарилаяпти. Режалар ҳам аини тамойил асосида шаклланди.

Бу модели ҳаётга тўлақонли татбиқ этиш учун, биринчи навбатда, Президентимизнинг жорий йил 19 ноябрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида берган топшириқлари асосида ҳар бир раҳбар КРИ кўрсаткичларига ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш масалалари қиритилиб, кунлик назорат тизими йўлга қўйилди.

Иккинчидан, ёшлар билан ишлаш бўйича яратилган механизмлар янада такомиллаштирилди. Чунки амалиёт муаммо ҳал қилинган, назорат бўлмаса, ёш яна аввалги муаммолари гирдобига тушиб қолиши мумкинлигини кўрсатди.

Шу сабаб ҳар бир ёш учун узоқ муддатли мониторинг қаргаси жорий этилди. Бу карта ёшнинг таълими, бандлиги, ижтимоий ҳолати, оилавий муҳитидан тортиб, психологик кўрсаткичларигача мунтазам ўрганиб бориладиган тизимни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Учинчидан, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича ягона экотизим шакллантирилди. Бунда ёшларнинг ташаббуслари, стартап гоялари, бизнес лойиҳаларини рағбатлантириб бориш тизими такомиллаштирилади ва уларнинг билим ва малакасини доимий оширувчи ўқув марказлари қўллаб-қувватланади. Бу орқали ҳар бир йигит-қиз қобилиятидан келиб чиқиб, ўз ҳудудда даромад топиш имкониятига эга бўлади.

Олдингизга қўйилган мазкур вазифаларни ҳар томонлама сифатли бажариш учун агентликнинг вертикал тизимида “натижа жамоаники — масъулият шахси” тамойили асосида қатъий тартиб-интизомга асосланган ижро механизми янада такомиллаштириб борилади.



Муносабат

Халқ орасида “Пойдевор мустаҳкам бўлса, уй тик туради, томи ҳам бутун бўлади” деган ҳақли гап бор. Давлатчилик нуқтаи назаридан бу пойдевор вазифасини Конституция бажаради. Унинг аҳамияти фақат ҳуқуқий нормалар тўплами билан чекланмайди. Бош қонун жамиятнинг ўзи ҳақидаги тасаввурини, ҳокимият ва фуқаро муносабатларига ёндашувни, давлатнинг вазифасига қай даражада содиқ эканини белгилаб беради.

Сўнгги йилларда Конституцияга нисбатан жамиятдаги умумий муносабат жиддий ўзгарди. Илгарги мафкуравий инерция — таниш-билишликка таянган қараш устувор бўлган шароитда ҳуқуқ тушунчаси кўп ҳолларда кейинги даражага тушиб қоларди. Бугун эса вазият аксинча: ҳар бир муаммо миллий қонунчилик ва инсон

ҳуқуқлари нуқтаи назаридан баҳоланмоқда. Бу ўзгариш тасодиқ эмас. У давлат ва жамият муносабатларидаги принципал бурилишдан дарак беради. Жамият борасида “ҳуқуқ”, давлат борасида “масъулият” тушунчалари марказий ўринга чиқди. Ана шу ўзига хос ҳуқуқий уйғониш жараёнида халқимиз шу кунларда муҳим

тарихий сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг ўттиз уч йиллигини “Конституция — инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!” деган ҳаётий шиор остида кенг нишонламоқда. Бу тадбирлар ҳам Конституцияга янгича муносабатнинг, унинг жамият ҳаётидаги ўрни янада мустақамлашаётганининг ёрқин ифодасидир.

Глобал амалиётга назар солсак, конституциявий ислохотларнинг асарияти бир жиҳатга — инсон қадрини қонун даражасида мустақамлашга қаратилмоқда. Охири йигирма йилда 60 дан ортқ давлат Конституциясини янгилаб, юзлаб мамлакатлар бош қонунини қайта кўриб чиқди. Уларнинг умумий хулосаси битта: барқарор тараққиёт молиявий ресурсларга эмас, инсон ҳуқуқлари таъминлишига боғлиқ.

Ўзбекистондаги ислохотлар ҳам шу жараёнга уйғун тарзда амалга оширилди. Фарқи шундаки, мамлакатдаги ўзгаришлар халқ иштирокида, очик муҳокамалар орқали рўёбга

ҚОНУН УСТУН БЎЛСА, ЭЛ ОСОЙИШТА ЯШАЙДИ



Шовосил ЗИЁДОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги
Имом Бухорий халқаро
илмий-тадқиқот маркази директори,
тарих фанлари доктори, профессор

чиқди — бу эса уларга қўшимча маънавий легитимлик бахш этди.

Тарихга назар солсак, адолат устувор бўлган даврларда юрт тинч яшаган, иқтисодий юксалиб, маънавий гуллаб-яшнаган. Соёмийлардан то темирўйларгача бўлган даврда давлатчиликнинг асосий мезони “одил ҳоким” тушунчасида эди. Навоийнинг “Адолат — давлатнинг асоси” деган фикри ёки Темур тузуқларидаги “Зулм давлатни заифлаштиради” деган ҳикमत бугун юридик кучга эга бўлмасда, маънавий меъёр сифатида воқелигини йўқотмаган. Шу маънода, Конституциянинг янгиланиши ҳам тарихдан келатган адолат тамойилининг замонавий ҳуқуқий давлат талаби билан уйғунлашуви демакдир.

Бугун дунёда инсон ҳуқуқларини кенгайтиришдан, то рақамли хавфсизлик, экологик кафолатлар, ижтимоий адолат ва халқ иштирокига асосланган конституциявий жараёндаги бўлган кенг доирадаги ислохотлар устувор аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистондаги янгиланишлар ҳам ана шу тенденцияларга мос

равишда амалга оширилди: инсон қадри энг олий қадрият сифатида белгиланди, ижтимоий ҳимояга оид нормалар такомиллаштирилди. Ёшлар, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари бўйича кафолатлар кенгайтирилди, таълим ва тиббиёт соҳаларида оид меъёрлар мустақамланди. Бу ўзгаришлар мамлакатдаги ҳуқуқий муҳитни янада очик, инсонпарвар ва барқарор қиладиган омил сифатида қайд этилмоқда.

Қонун қанчалик мукамал ёзилмасин, унинг ҳаётга татбиқ этилиши инсон онгига боғлиқ. Шу жиҳатдан Конституция жамиятнинг маънавий йўл харитаси ҳамдир. У масъулият, виддон, ҳалоллик, бирдамлик, инсонпарварлик каби қадриятларни ҳуқуқий даражада мустақамлайди. Имом Бухорий каби алломаларнинг инсоннинг шаъни, одоби ва ички гўзаллигига оид фикрлари ҳам айнан шу асосда давлатчилик маданияти билан уйғунлик касб этади.

Конституция — фақат кутубини эмас, мамлакатнинг келажакдаги қиёфасини ҳам белгилайдиган асосий ҳужжат. У иқтисодий ислохотлардан тортиб, таълим ва тиббиёт сифатигача, давлатнинг фуқаро билан муносабатигача бўлган муҳим соҳаларнинг стратегик йўналишини белгилайди.

Халқимиз айтганидек: “Қонун устун бўлса, эл осойишта яшайди”. Адолат устувор жойда тараққиёт табиий жараёнга айланади. Шу боис, Конституцияни билиш, тушуниш ва унга таяниш — фуқаролик маданиятининг ажралмас қисми. Бу маданият шаклланган жамиятнинг ҳар бир аъзоси “Мен мансаб кучига эмас, қонун кучига ишонаман”, дея баралла айта олади.

Инсон қадри учун

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМ АЛОҚА —

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШИ

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида турли минтақаларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги Ўзбекистон сиёсатининг асосий тамойили бўлган инсон қадри нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки хорижда яшаётган юртдошларимиз учун ҳам бирдек тааллуқли экани амалда ўз ифодасини топяпти.



Одилжон САҒТОРОВ,
“Ватандошлар” жамоат фонди
бошқаруви раиси

Бу борада Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган турли институтлар, лойиҳалар ва концепциялар бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, 2021 йилда очилган “Ватандошлар” жамоат фондининг фаолияти фикримиз тасдиғидир.

Фонд ташкил этилган илк кунлардан бошлаб хориждаги юртдошлар билан тизимли мулоқот ўрнатиш, уларга маънавий-маърифий кўмаклашиш ва жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган йирик лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, 2023 йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Конституцияга хориждаги ватандошларга оид алоҳида норма киритилди. Бош қонуннинг 23-моддасида чет элда яшаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатланди. Ушбу нормани қабул қилиниши хориждаги ватандошлар билан ишлаш жараёнини янги босқичга кўтарди. Фонд ва тегишли институтлар фаолиятининг янада самарали бўлиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

2025 йилдан бошлаб Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича кўмитанинг ватандошларга алоҳида эътибор қарата бошлагани мазкур йўналишдаги ишлар энди давлат органи томонидан тизимли ва мақсадли равишда бажарилаётганини яққол кўрсатади.

Бугун қатор тadbир ва лойиҳалар амалга оширилиб, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, она тилимиз жойбардорлигини янада ошириш борасида изчил ишлар қилинмоқда. Жумладан, фонд ташаббуси билан ўтказилаётган “Китоблар карвони” лойиҳаси доирасида хорижда ўзбек тилида дарс бериб келинаётган мактабларга 2023 йилда 10 минг, 2024 йилда 15 минг, 2025 йилда эса 25 минг нусхадаги бандий адабиётлар etkazиб берилди.

2024 йилда хориждаги нурунийлар учун йўлга қўйилган “Чинор” лойиҳасида 40 иштирокчи қатнашган бўлса, 2025 йилга келиб, бу кўрсаткич 150 нафардан ошди. Бошланғич босқичларда 50 га яқин ватандош иштирок этган, ёши кичик ватандошлар учун ташкил

этилган “Анор” лойиҳаси бутун 200 дан зиёд иштирокчини қамраб олди.

Юз йиллар ўтган бўлса ҳам она Ватани, қавму қариндошлари меҳрини соғинган юртдошлар учун амалга оширилаётган “Аждодларимиз изидан” лойиҳаси ўнлаб ватандошларимизни яқинлари билан қайта учраштириб, Ватанимиз билан алоқаларини тиклади.

Хорижий мамлакатларда ўзбек тилидан дарс бериб, миллий қадриятларимиз ва она тилимиз жойибасини сақлаш йўлида тинмай меҳнат қилаётган ўзбек тили ўқитувчилари учун ташкил этилган малака ошириш курсларида 70 дан орტიқ ватандошимиз иштирок этиб, 72 соатлик ўқув жараёнидан баҳраманд бўлди.

“Еш ватандош ёзувчиси” лойиҳаси эса турли давлатларда яшаётган ижодкор ёшларни бир майдонда жамлаб, уларнинг ижодий ишлари орқали миллатлараро дўстлик ва маънавий боғлиқликни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, фонд томонидан қатор танловлар ҳам ўтказилди. Жумладан, “Сен турфа жилосан, азиз она тилим”, “Ўзбекистон ёш рассомлар нигоҳида”, “Ўйла, орзу қил, ўзбекча ёз”, “Зукко китобхон”, “Бир байроқ остида” каби танловлар ташкил этилиб, улар орқали она тилимиз раванқини таъминлаш, ёшларни маърифатта ошно этиш, давлат рамзларини эъзозлаш каби юғлар тарғиб этилди. Пойтахтимизда ўтказилган ўзбек тили фан олимпиадасида Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби давлатлардан 36 ватандош иштирок этди. Мусобақа ғолиблари муносиб тақдирланди.

Бундан ташқари, ташкил этилаётган минтақавий форумлар хориждаги ватандошларни янада жипслаштиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, жорий йил 5 апрелда Германияда ўтказилган минтақавий форумда Европанинг 20 та мамлакатидан яшовчи 286 иштирокчи қатнашди. Шунингдек, АҚШ ва Канададаги ватандошлар учун ташкил этилган минтақавий форумда 100 дан зиёд ватандош қамраб олинди.

МДҲда истиқомат қилаётган ватандошлар учун навбатдаги минтақавий форум айни пайтда Ўзбекистонда ўтказилмоқда. Араб давлатларида яшовчи ватандошлар учун мўлжалланган форум эса 13 декабрь кунини Дубайда ўтказилиши режалаштирилган.

Бу форумлар глобал миқёсдаги бирдамлик ва жипслик янада мустаҳкамланаётганини англатади. Шунингдек, фонд томонидан Мустақиллик кунини, Конституция кунини ва Наврўз каби байрамлар ҳам хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар орасида кенг нишонлаб келинмоқда.

Лойиҳаларнинг кўпайиши, форумлар географиясининг кенгайиши, маънавиятга хизмат қилаётган ташаббуслар ҳамда Конституциянинг 23-моддасида ватандошлар ҳуқуқларининг кафолатлиги бири ҳақиқатни тасдиқлайди: фонд келгусида ҳам одатга қўйилган вазибаларни юқори савияда адо этади.



ВАТАН БИЗ УЧУН, БИЗ ВАТАН УЧУН ҚАДРЛИ

Ситора УСМОНОВА,
Германиядаги ватандош

Қарийб ўн йилдан бери Германиянинг Берлин шаҳрида истиқомат қилаёмиз. Она юртимиз — Ўзбекистон ўз фуқароларини қаерда бўлмасин, ҳимоя қилишини ҳар доим чуқур ҳис этиб яшайман.



Айниқса, ушбу туйғу Ўзбекистоннинг Берлин шаҳридаги элчихонасига кирган илк давларданок сезилади. Бу ердаги самимий муносабат, эътибор ва ҳурматдан инсон ўзини юртининг бағрида тургандек ҳис қилади.

Элчихонамиз атрофида ватандошларимизни бирлаштирадиган учрашув ва анжуманлар, байрам тadbирлари, катта дастурхон атрофидаги суҳбатлар тез-тез ташкил этилади. Бундай йиғинлар бизга Ватан муҳитини эслатиш билан бирга Ўзбекистон фуқароси сифатида қадримиз юксак эканини кўрсатади. Юртимиздан келган делегациялар, илм аҳли ва мутахассислар билан учрашувлар юрт соғинчини бир оз бўлса-да босиб, қалбимиздаги “Ватан бизни унутмаган” деган ишончини мустаҳкамлайди.

Чет элдаги ҳаётимизни енгилаштиришга қаратилган консуллик хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ. Паспорт расмийлаштириш, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар ва бошқа муҳим ҳужжатлар билан боғлиқ ишлар элчихонамиз орқали анча тез ва кўлай ҳал қилинмоқда. Бу чет элда яшаётган юртдошларимиз учун жуда катта ёрдам бўлади.

Яқинда “Ватандошлар” жамоат фонди кўмаги билан Германияда “Ўзбегийом” ўзбек аёллар жамаияти ташкил этилганини қувонч билан қабул қилдик. Мазкур муаммоларни муваффақиятли ҳал қилишга жамлашни ва самимий дўстлигига сабаб бўлди. Барчамиз янги дўстлар, ҳамфирқалар орттирдик.

Учрашувлардан бирини ҳамюртимиз ўз ҳиқосини сўзлаб берди. У Германияга “Au pair” дастури орқали келиб, ҳужжатлар

билан боғлиқ муаммоларга тўқнашди. Унинг элчихонамиз ёрдами билан ҳимояга олингани, ҳужжатлар билан боғлиқ муаммоси бартараф этилгани ва дастурини муваффақиятли давом эттиришга эришганидан хурсанд бўлдик. Яна бир қарра чуқур ҳис қилдик: биз — Ўзбекистон фуқаролари қаерда бўлмайлик, Ватанинг энг қадрли кишиларимиз, туғилган еримиз биз учун ҳам энг бебаҳо.

Германияда бир вақтнинг ўзида таълим олиб, касбий фаолиятимни давом эттирмоқдам. Молиявий ҳисоботлар ва аудит бўйича малака ошириш курсини тамомладим. Айни пайтда Берлин Санаят ва савдо палатаси ҳузурда бўлажак имтиҳонга тайёрларлик кўряпман. Насиб қилса, касбий фаолиятимни ҳам молиявий бухгалтерия соҳасида давом эттириб, меҳмонхона ва кўчмас мулк бухгалтериясига оид лойиҳалар устида ишлаймман.

Ўзбекистонда қолган ота-онамдан кўнглим тўқ, улар тинч, фаровон юртда. Шунинг учун ижод ҳам сиғиди кўнглимга. Болалар учун эртак китоблар нашр қилдириб, “Амазон” онлайн савдо тармоғига жойлаштиряпман. “Кўприк ва дўстлик” деб аталувчи эртак китобим уч тилда, билинвал шаклда бутун дунё бўйлаб ўзбек тилидаги болалар китоби сифатида сотувга қўйилди. Илмий-адабий муваффақиятга топширишга, фаолиятимни яна ривожлантириш ниятидаман. Ҳозирги тажрибам ва қизқичиларимга мос йўналишларда фаолият юритиб, бизни ҳимоясига олган Ўзбекистонимиз номини нафақат Германияда, балки бутун дунёда танитишга ҳисса қўлиш мақсадидаман.

Юртимиздагидек ХОТИРЖАММИЗ

Оиламиз билан Даниянинг Орхус шаҳрида 3 йилдан бери истиқомат қиламиз. Икки ой аввал ўғилли бўлдик. Ота-онамиз “Мусофир юртда қандай яшаркансизлар?” деб хавотирланган эди, албатта. Лекин ҳаммаси жойида, худди Ватанимиздагидек ғамхўрликни ҳис этдик. Аслида, бугун дунёнинг қайси бурчида бўлсанг, ўзбекистонликларга аввалгидан бутунлай янгича муносабатга гувоҳ бўласиз.

Зеро, мамлакатимизни жаҳон танияпти. Шу маънода, бугун “Ўзбекистонданман”, деган сўзни айтиш бизга миллий гурур бағишлаётгани, бунинг эшитган чет элликлар юзига табассум югураётгани ҳақиқат. Ҳар қадарда Ватанимиз эътиборида, ардоғида эканини ҳис қилиб туриш хотиржамлик асосидир. Янги тахрирдаги Конституция-мизнинг 23-моддаси хориждаги ватандошларнинг мустаҳкам таянчига айланди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси мамлакат худудидан ҳам, унинг ташқарисидан ҳам ўз

фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

Айни кафолатни ҳаётда, амалда кўраётган ватандошларимиз тинч, хотиржам, эмин-эркин ишлайди. Бутун диққат-эътиборини оиласи, яқинларига қаратади. Илмий соҳаларда изланаётганлар ўз устида ишлайди, салоҳиятини оширишга ҳаракат қилади. Кейинги йилларда хорижда турли соҳаларда ишлайётган, ўз касбининг тажрибали мутахассиси бўлган ватандошлар Ўзбекистонга қайтиб, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшапти.

Конституциямизнинг 23-моддасида давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилиши белгилаб қўйилган. Янги тахрирдаги Бош қонунимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларда хориждаги ватандошлар манфаатлари ҳам инобатга олингани биз учун айни мўддао. Ватандошларни жипслаштириш орқали миллий ўзликни сақлаб қолишга хизмат қилаётган “Ватандошлар” жамоат фонди эса жуда кўп-кўп хайрли ишларни бажарайтир.

Мамлакатимизнинг бошқа давлатлардаги элчихоналари томонидан ҳам ватандошларга кўрсатилаётган эътибор, кўллов ҳақида эшитамиз. Қадриятларимиз, миллий байрамларимиз ўзга юртларда ҳам улуғланаётгани,



Улфат АБЖАББОРОВ,
Uber Technologies Inc компанияси
АТ катта муҳандиси,
Даниядаги ватандош

уларда ўзбек миллий таомлари тайёрланаётгани қувонarli. Айниқса, Наврўз байрами энг гўзал одатларимиз эста солади. Мустақиллик, Конституция кунлари ҳам энг улуг ва кутлуғ сана сифатида нишонланади.

Фарзандларимиз миллий байрамларимизни миллий таомларимиз билан нишонлаб, улгаётганидан хурсанд бўлаемиз. Улар мактабда ҳам алоҳида эътиборда. Ҳеч қачон синфдошлари, ўқитувчилари камситмайди.

Яратган инсоннинг ризқини ҳар ерга сочиб қўяди. Ватанидан олисда яшаб, ишлаб келаётган Ўзбекистон фуқароларини дунёнинг турли давлатида учратиш мумкин. Ўзим ҳам қарийб ўн йилдан буён Ҳиндистонда — Нью-Дехли шаҳрида яшаб келаман. Тошкент давлат шарқшунослик университетининг хорижий мамлакатлар тарихи факультетини урду тили бўйича тамомлаб, магистратурани Ҳиндистонда давом эттирдим. “Ўзбек ва урду тиллари ўртасидаги муштарак сўзлар” мавзусидаги илмий ишга ҳаётимнинг бир бўлагига айланди.

Бош қомусимиз дунё тургунча турсин!

Аслида, тилимизда муштарак сўзлар жуда кўп. Улар бугун ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятли экани халқаро дўстона муносабатлар, кўп томонлама ҳамкорликда шундоқ кўринади. Ўзбек ва Ҳинд халқлари ўртасида илмий, маданий ва маънавий алоқаларнинг уйғун жиҳатлари кўп. Жумладан, урду ва ўзбек тилларида умумий муштарак сўзлар 5000 дан ортиқ. Урду тилига форсча сўзлар кўпроқ ўзлашган. Айни форс тили орқали эса арабча сўзлар кенг ўзлаштирилган.

Буюк аждодимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур яшаган заминда туриб шулар ҳақида ўйлар эканман, барибир Ватан соғинчи енгаверди. Шунинг учун, Ўзбекистонга борган пайтларимиз аэропортдан тушибоқ ўзимизни бошқача ҳис қилаемиз, кўнгли юмшайди. Юрт ҳавоси, тупроғи, маҳалласи



Музаффар ҲАҚБЕРДИЕВ,
докторант,
Ҳиндистондаги ватандош


кўчиси, ўзбек тилида гапираётган одамлар — барча-барчаси кўнглига ўзгача завқ беради. Ҳозир давлатимиз фуқароларини ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмайди. Хориждаги ватандошларнинг қўллаб-қувватлишига алоҳида эътибор қаратилляпти. Турли сабаблар тудфайли оғир вазиятта туриб қолган ватандошларимизга ҳам тезкор амалий ёрдам кўрсатиляпти. Юртга қайтишга имкони бўлмаганлар давлатимиз ҳиқосидан олиб кетилляпти. Умуман олганда, мамлакатимиз ташқи сиёсатида ҳам инсон қадри улуғланляпти. “Ватандошлар” жамоат фонди ташкил этилгани бунинг амалдаги исботидир.

Юртимизнинг Дехлидаги элчихонасида ташкил этилган талабалар учошмаси билан ҳамкорликда кўллаб маданий тadbирлар ўтказамиз. Жумладан, Конституциямиз қабул

қилинган санада ҳам ўзаро йиғилиб, мулоқот қиламиз, давлатимиз келажаги, юритилаётган адолатли сиёсат ҳақида фикр алмашамиз.

Янги тахрирдаги Конституциямизда “Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилади”, деган қонданнинг мустаҳкамламини биз, ватандошларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятини янада кенгайтирди. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш, улар билан доимий мулоқот ўрнатиш масаласи “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам алоҳида мақсад сифатида белгилангани бизни янада қувонтирди.

Бунга жавобан жонажон Ўзбекистонимиз номини ҳар жабҳада улуғлаш, илм-фанда ҳам тенгсиз эканимизни намоён этишда давом этаемиз. Бизга куч бериб турган Бош қомусимиз дунё тургунча турсин!



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҮР QR-КОДИНИ КИЛАНЕР ҚИЛГАН.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг etkazиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1246. 34655 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусахҳис: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Хуришд Абдуллоев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза якуни — 03:05 Топшириқди — 03:05